XALQ DEPUTATLARI DAVLATOBOD TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 3 - oktabr VI-26-90-6-219-K/22 Davlatobod tumani hokimligi

Давлатобод туманида ош бериш маросимининг вақтини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши;

дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши;

мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача, қўшалоқ тўйлар билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши белгилансин.

2. Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгашида “Тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари” бўйича комиссияси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлатобод туманида мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш

маросимининг вақти бомдод намозидан сўнг бошланиши ва соат 18:00га қадар давом этиши белгилансин.

4. Карантин ҳолатларда Республика махсус комиссия томонидан ош бериш маросимининг вақти чекланган ёки чегараланган тақдирда ош бериш маросимининг вақти мазкур комиссия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Мазкур қарор “Наманган садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (davlatobod.uz) жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (О.Нарзуллаев) мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши котибияти мудири Т.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Таджимирзаев**

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2022 yil 3 oktabrdagi
VI-26-90-6-219-K/22-son qaroriga
1-ilova

Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгашида “Тўй-хашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари” бўйича комиссияси

ТАРКИБИ

Т.р.	**Депутат ФИО**	**Комиссиядаги вазифаси**
1	Алиханов Муҳаммаджон Маҳаммадсолиевич	Комиссия раиси
2	Исомиддинов Анваржон Иномжонович	Комиссия аъзоси
3	Насретдинова Ёркиной Сайфитдиновна	Комиссия аъзоси